

РАУФ ПАРФИ ШЕЪРИЯТИНИНГ МЕМОРИАЛ КЎРИНИШИ

Гўзал Матёқубова

Алишер Навоий номидаги Адабиёт музей тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6762477>

Аннотация. Мақолада Рауф Парфи шеъриятида миллий озодлик ва шахс эркинлиги мавзуси шоир ижодининг асосини ташкил қилишига алоҳида ургу берилган. Рауф Парфи шеъриятиниң бадиий мемориал кўринишини белгилаб берувчи жадидона қарашларнинг асл моҳияти очиб берилган.

Калим сўзлар: ватан, озодлик, шоир, миллийлик, шеър.

МЕМОРИАЛЬНОЕ ПРЕДСТАВЛЕНИЕ ПОЭЗИИ РАУФА ПАРФИ

Аннотация. В статье подчеркивается, что тема национальной свободы и свободы личности в поэзии Рауфа Парфи составляет основу творчества поэта. Раскрывается сущность серьезных взглядов, определяющих художественно-мемориальный облик поэзии Рауфа Парфи.

Ключевые слова: родина, свобода, поэт, народность, поэзия.

MEMORIAL PERFORMANCE OF THE POETRY OF RAUF PARFI

Annotation. The article emphasizes that the theme of national freedom and freedom of the individual in the poetry of Rauf Parfi forms the basis of the poet's work. The essence of serious views that determine the artistic and memorial image of Rauf Parfi's poetry is revealed.

Key words: motherland, freedom, poet, nationality, poetry.

КИРИШ

Шеър – руҳнинг силкинишидир. Шу боис унда ботиний кескин бурилишлар, узилишлар, қақшатқич урилишлар – ҳамма-ҳаммаси акс этади. Шеър – поэтик ёлғоннинг энг рост, энг мукаммал шакли. Биз шеър ўқиётганда унинг измига тушамиз, лирик қаҳрамоннинг дарду дунёсига қоришиб кетамиз. Ундан бош чиқариб ташқи оламга назар ташлаганда эса, тамоман бошқа бир манзарани кўрамиз. Шунда шоирнинг ботиний ва жуғрофий мамлакати ўртасида ноконтраст тафовутни кўрамиз. Ботиний мамлакатда шоир ўзи хоҳлагандай ўйлаши, тафаккур қилиши, яшаши мумкин, жуғрофий мамлакатда эса йўқ. Чегаралар, қонунлар, тақиқлар ва таъқиблар мавжуд.

Шеър ёзгувчи ва шеър ўқигувчилар кўпинча икки олам орасида икки одам бўлиб яшайди: шеърнинг ичида бошқа, шеърдан ташқарида тамоман бошқа бир одамга эврилади. Бироқ бизнинг бу мулоҳазаларимиз Рауф Парфи шахсига тегишли эмас. Чунки Рауф Прафининг шеърда ҳаётдагидек ва ҳаётда шеърдагидек яшаб ўтганини жуда кўп фактлар тасдиқлайди.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Рауф Парфи бутун бошли ижодида озод инсонни куйлаб ўтган шоирдир. Шахс эрки, озодлик мавзуси шоир ижодининг асосий чизигини ташкил этади. Шеърларининг тарҳи, мемориал кўриниши ва ички безаклари ҳам озодлик, эрк, ватан, умумтуркийлик деган яхлит бир чизикдан ўтади. Рауф Парфи шеърларини кузатар экансиз, эрк ва озодлик курашчилари бўлган жадидларга бағишиланган асаларларга тез-тез дуч келамиз. Шоир дунёнинг қайси бурчида бўлмасин, Ватан учун курашган, Озодлик учун жон берган инсонларга бағишилаб асалар битади.

“Рауф Парфи шеъриятининг асосий мавзуси — бу шахс эрки, Ватан мустақиллиги ва Туркистон, Турк дунёсининг бирлигидир; XX аср турк одамининг абадий шуурини, кескин фоже **рухиятини** муқаддас туркий тилда ифодалашга жазм этган ва муродига етган жасоратли шеъриятдир.” – дейди филология фанлари доктори, профессор Нўймон Раҳимжонов “Сакина” китобига ёзган сўзбошисида.

Рауф Парфининг Ватан ҳақидаги ҳар бири шеъри Ватан ҳақидаги ҳар қандай шеърдан фарқ қиласи. Юмшоқ ўриндиқларда ўтириб Ватан ҳақида шеър битмайди, данғиллама ҳовлиларда яшаб оч ва юпун халқнинг қисмати ҳақида қайфурмайди, балки ўзи ҳам ана шу мазлум халқнинг бир бўллаги сифатида, олов ичида туриб олов ҳақида шеър битган шоирдир.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Мана шоирнинг “Ватан ҳақида Бернд Иентшга мактубим” шеъри:

Ватан ҳақида сенга, Бернд,

Шу мактубни ёзаётган пайтим Ташқарида қор ёғмоқда эзгин-эзгин,

Оппоқ-оппоқ, лўппи-лўппи. Неларни ёғар қор?

Тахайюл ёғар. Тахайюл отига минган осмон.

Бернд, бундай яшаш ахир, кўп қийиндир балким.

Бернд, балким хасталаган бизни бемаврид

Йигирманчи аср, деб номланган оғриқ.

Ўтинаман, баландпарвоз сўзлар, деб ўйлама тағин,

Эҳтимол, ечиб ташлашимиз керақдир қора рўмолини

дардли хотиротнинг мунглуг бошидан.

Бу шеър Ватанга бекарор ошиқдек севги изхор қилиб ёзилган шеърлардан кескин фарқ қиласи. Биринчидан уларда поэтик матн жуда тўқ. Уларда олқиши йўқ, мадҳ йўқ, ҳамду сано йўқ, шунингдек, минбарларда ҳайқириб ўқилган шеърлардан кескин фарқ қиласи: бу шеърда оғриқ бор, дард бор, изтироб бор.

Гўёки шоир немис шоири билан ҳасратлашув баҳонасида Ватаннинг ўтмишини, кечмишини, у ҳақдаги тушунчаларини шеърга сингдиради. Бу шеърнинг таг маъносида отларнинг дупури, одамларнинг ҳайқириқлари, танкларнинг овози сингиган. Оқ-оппоқ, лўппи-лўппи қорнинг дераза ортида ёғаётганлиги Эртанги баҳтли ва осуда ҳаёт учун башоратдай таассурот қолдиради. Хуллас, Ватан ҳақида ҳайқирмасдан туриб ҳам гўзал ва ичкин шеър ёзиш мумкинлигини Рауф Парфининг ушбу шеъри орқали кўриш мумкин.

Рауф Парфи шеърлари орасида ўтган аср жадидларига бағишлиланган ёки бевосита уларнинг асарлари асосида шеърларидан иқтибос келтириб ёзилган шеърлар анчагина. Шуларнинг ўзиёқ Рауф Парфи фикран ва руҳан жадидларга яқин эканини, жадидчилик ҳаракатининг маънавий давомчиси сифатида майдонга отилиб чиққанини англаш мумкин.

“Миллий уйғониш минтақамизда жадидчилик шаклида намоён бўлди. Ва у 20-йилларнинг ўрталаригача давом этди. 1926 йилдан советлар унга қарши кенг кўламда кураш бошладилар. 1929 йилдан уларни жисмоний тугатиш йўлга қўйилди.” – деб ёзилган “Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти” китобининг кириш қисмида. Бунга қўшимча тарзида айтмоқчи эдикки, жадидчилик ҳаракати аслида 1929 йиллардан тугатилган бўлиши мумкин. Бирор у XX асрнинг 70-80 йилларига келиб қайсиadir маънода қайта уйғонди. Миллат ҳаёти, тили, қадриятлари йўлида куйинган, шеърлар битган ва бу йўлда

амалий ҳаракатлар олиб борган Рауф Парфини ҳам биз ҳақли равища жадид шоирлари, маънавий издошлари сафига киритамиз.

Рауф Парфи нима учун ўз шеърларида жадид адабиёти ва жадид намоёндаларига тез-тез мурожаат қиласди? Аввало, ғоявий маслақдошлиқ, тафаккур давомчилиги мақоми ва қайсиdir жиҳатдан буни тасаввуфдаги увайсийликка қиёс қилиш ҳам мумкиндири.

“Увайсийлик – бир кишининг ўзи зоҳиран кўрмаган шахс ёки бир гурӯҳ шахслардан маънавий боғланиш орқали илм олиши ва бунинг натижасида пайдо бўлган йўналишни англатувчи тасаввуф истилоҳи, тариқатларда сайру сулук бир шайх раҳбарлигига амалага оширилади. Шу билан бирга истисно ҳолларда шайхсиз ҳам Ҳаққа эришиш мумкин. Бу йўлга увайсийлик дейилади.” – деб ёзади халқаро ислом академияси доценти Иброҳим Усмонов “Тасаввуфда увайсийлик йўли” номли мақоласида. Шунингдек, ушбу мақолада увайсийлик адабиёт соҳасига катта таъсир кўрсатгани айтилади. Қолаверса, Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида ёзаётib “Аммо ҳақиқат юзидан алар Увайсийдурлар. Ва тарбият Ҳазрат Хожа Абдулхолик Фиждувоний қ.с. руҳидан топибдурлар.” – дейди. Рауф Парфи ижодда, адабиёт ва миллат йўлидаги амалларида жадидлар руҳониятига ғайбона боғланишни кузатиш мумкин.

Мана шоирнинг Абдулҳамид Чўлпонга бағишланган “Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон”(1974), “Усмон Носир”(1965), “Она Туркистон”(1967), Абдурауф Фитрат(1991) каби шеърлари жадидларга, яъни жадидлар илгари сурган маънавий-маърифий, миллий ғояларга бағишланган. Уларнинг ҳар бирида миллатни аср-асрлар давомида ташвишлантириб келган ўйлар шеърнинг ўқ чизигидан ўтади. Шоирнинг Абдулҳамид Чўлпонга бағишланган “Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон” деб номланган шеъри:

1. Она тилим, сен руҳимнинг қаноти,

Абут турк нафаси, Олтой чечаги.

Хун давридан омон қолди Ғиротинг,

Қутлуғ Энасойнинг эзгу эртаги.

Ўрхун бўйларида тошга айландинг,
Кўкларга санчилдинг. Туron бўлдинг Сен.

Мангулик сафарга қачон шайландинг?

Қачон бу аламга — кучга тўлдинг сен?

Порлоқ осмонингда қузғунлар учди,

Эвоҳ, ёғийларинг солди яғмони.

Ёғийларинг жигар қонингни ичди.

Жигар-қон жаранги тутди жаҳонни,
Онасен. Кечирдинг, қонидан кечдинг,
Бироқ кечирмадинг асло ёлғонни.

Шеър Абдулҳамид Чўлпонга бағищлаб ёзилган. Бироқ шеърнинг асосий мазмуни тил тўғрисида – уринган, суринган, тарих довулларида қолган она тилининг ўтмиши ва кечмишини куйлади. Шоир шеър давомида “Жигар-қон жаранги тутди жаҳонни” дея шеърни ботиний ҳайқириққа айлантиради. Эътибор қаратадиган бўлсак, шоирнинг

жадидларга бағишенгандын ҳар бир шеърида ягона Туркистан қайғуси бор. Эрк, Озодлик, Хурлық ғоялари ана шу түшүнчалар ортида бирлашади.

Муваффақиятли жиҳати шундаки, Ватан, миллат ҳақида ёзилган шеърларда, Шоирлар ҳар доим үзлари асосий планда турадилар. Рауф Парфи эса шеърларида шеърларнинг ичига сингиб кетади. Унинг дарди, оғриқлари кўринади, үзи кўринмайди, овози юракни тилиб-тилиб ўтади, бироқ үзи шеърнинг тубига шўнғиб кетганки, кўзга ташланмайди. Аниқроғи, шоир бизни шеър билан ёлғиз қолдиради, ҳар қадамда ўз-ўзини кўз-кўзламайди, үзи бўй кўрсатмайди. Шеърнинг асл ва ҳақли шавкати ҳам ана ўшандада бўлса, эҳтимол.

1. Ажаб мудхиш қора тун кафан тутар,
Бир замон тинмайдир изғирар шамол.

Дарё кўпирадир, одамни ютар,
Ул гўзаддир, ул — ирганчдир, ул - хаёл.

Риёзат қамчиси каби савайдир,
Алкан ёмғир бузғун танизоримни.
Улуғ Туркистанни кимлар севмайдир?!
Фиръавнлар севмас менинг боримни.

Бу шоирнинг 1994 йилда ёзилган “Абдурауф Фитрат” шеъридан олинган. Шоир юртнинг оғир аҳволини шеърда гавдалантирар экан, ўзига хос ифода йўсинини топади. Учта қисмдан иборат ушбу шеърнинг ҳар бир қисми алоҳида сонет шаклида ёзилган. Шеър Фитрат яшаган замон чизгиларида туйилса-да, аслида ундан эмас.

Унда 1994 йилги халқнинг уйғонмаган ғурури, донг қотган шаъни, пинакдаги матлаби ўз ифодасини топган. Шоир “Токай, уйғонмассан, ай қонли Турон” дея асрлар бўйи қонга ботган она Туркистаннинг қайғули қиёғасини акс эттиради. Бир қаҳрамонлик, бир жасорат истаётган лирик қаҳрамонининг шаҳду шижаоти шеърда ботинига қараб тобора ўсиб боради. Шу боис, биз Робинранат Тагор айтмоқчи “Дераза ортидан бир мунглиғ Ҳиндистонни” эмас, Ўзбекистонни, Туронни, Туркистанни кўрамиз. Ватан, Миллат дарди эса ўсувчи, улғайиб борувчи дарддир, Оғриқдир.

Рауф Парфининг Ватан, Туркистан қайғуси мавзусидаги шеърларини ўқир экан, уларни ҳар биримиз ўз тенгдошимизнинг, энг яқин одамимизнинг ҳасратидай қабул қиласиз. Самимий ҳасратда битилган бу шеърлар. Негаки, улар жуда самимий, жуда оддий, яшаш тарзимиз каби оддий. Улар Ватан ҳақида Аршни тавоф қилиб кейингина шеър ёзиш керак деган қотиб қолган түшүнчаларни ислоҳ қилиб, гоҳ ялангоёқ, гоҳ қорни оч боланинг аҳволи руҳиясига сингишиб кетганимиз – шеърларни тақдим этади.

Шоирнинг психологияк приёмлари шу қадар ноёбки, Ватан ҳақида муҳаббат ҳақидаги шеърни ўқигандай ички бир ёришиш, қоникиш билан мутолаа қиласиз. Улар бизни юзакиликдан, сохталиқдан, ясамаликдан, шеърнинг ён - атрофида дайдишдан халос этади. “Айтилган сўз, отилган ўқ” деган мақол ҳам айнан Рауф Парфи шеърларига хосдек. Чунки шоир сўзни шунчаки ишлатмайди, шунчаки баланд пардаларда гапирмайди. Биз шеърнинг ичидаги топган Рауф Парфийимиз, ҳаётда учратганимиздан фарқ қиласиз. Унинг ватанпарварлиги ўз боласини турли балолардан асрётган онанинг болажонлиги билан бирдек. Онанинг болажонлиги қадар ростдир, соғдир унинг ватанпарварлиги.

МУХОКАМА

Рауф Парфи учун Ватан жуғрофий тушунча ҳосил қилмайди. Дунёнинг қайси бурчида бўлмасин, қийналган, зулмга йўлиққан одам борки, унинг ватандошидир. Унинг “Карло Каладзе диёрида”, “Микаленжело севгиси”, “Виктор Харанинг сўнгти қўшифи”, “Пабло Неруда ўлимига” каби ҳар бир шеърида Рауф Парфи учун Ватаннинг чеки ва чегараси бўлмаганлигини кўриш мумкин. Унининг шеърларига сингиган туркчилик ғояси, Туркистон, Турон мавзуси эса, ватаннинг чегараланиши маъносида эмас, қадимий тушунчаларнинг асраб – авайланиши, қадриятларга муносиблик сифатида талқин этилади.

Бироқ, Рауф Парфи хаётининг сўнгги йилларида ўз қўли билан жуда кўп шеърларига мақсадли тарзда “Турон”, “Туркистон” сўзларини киритади, таҳрир қиласиди. Бироқ бу тузатишлар ўз ўрнини топмаган, назаримизда. Сунъий тарздаги киритмалар эканлиги ошкор қўзга чалинади. Бу ўқувчининг хотирасига, ёдига синггиб кетган Рауф Парфи шеърларининг мусиқасини, ритмини, ҳатто ғоясини ҳам ўзгартира олмайди. Бу алоҳида мавзу, бу борада алоҳида тўхталамиз.

ХУЛОСА

Биз мақоламиз бошида Рауф Парфи ижодини маънавий ва руҳий томондан жадид адабиётида илгари сурилган ғоялар, тушунчалар ва жадидча тафаккур ёлқинининг давоми сифатида талқин қилган эдик. Миллатни миллий парокандалиқдан, маънавий талотўмлардан асраб қолиш сари йўл Рауф Парфи шеъриятида янада кенг қулоч ёйди, такомиллашди. Зотан Рауф Парфи ижодида жадидона ғоялар жадидчилик XX асрнинг биринчи чорагида тугатилган деган фикрларни тахмин остига олади. Жадидчилик ҳаракат сифатида тугатилган бўлиши мумкин, бироқ жадидона ғоялар тирик экан, у ҳаракат сифатида ҳам тутутилмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” – “Фан” нашриёти, Тошкент, 2001 йил.261-бет.
2. Рауф Парфи “Сакина” Сайланма – 2013 йил, “Муҳаррир” нашриёти, 5-бет.
3. Рауф Парфи “Сабр дарахти” китоби – Тошкент, Fafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986 йил, 87-бет.
4. “Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти” Бегали Қосимов ва бошқалар. – 2004 йил “Маънавият” нашриёти.
5. bukhari.uz – интернет сайти.
6. Рауф Парфи “Туркистон руҳи” – “Шарқ” НМАК, 2013 йил, 163-бет.